

Истиқлол қаҳрамонлари

---

*Абдурауф*  
**ФИТРАТ**

---

**ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР**

IV жилд

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ,  
ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТАДҚИҚОТЛАР

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2006

## ТИЛИМИЗ

### I

Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир? Биласизми? Туркча. Шоирлик қилмоқчи эмасман, сўзнинг тўғриси шудир. Дунёнинг энг бой тили туркчадир, энг бахтсиз тили худ<sup>1</sup> туркчадир. Тилларнинг бахтсизлиги совет ҳукумати чоғинда бўлган бир ишдир, бундан бурун бахтли эдилар деганлар тилимизни ҳолини билмасдан гапуралар<sup>2</sup>.

Бир тилнинг бойлиғи у тилдағи сўзнинг кўблиги (касрати калимат)<sup>3</sup>, ундирик кенглиги (вусъати иштиқоқ)<sup>4</sup>, юсуп тугаллиги (мукамаллияти қавойид)<sup>5</sup> билан бўлур. Туркчада сўз кўблиги борми, арабчиларимизча айтганда, касрати калимат мавжудми? Бу сўз буқун эмас, неча юз йил бурун ораға чиқмиш дея Навойининг «Муҳокамат ул-лугатайн» китобиндан ўз жавобини олмиш. Навойининг китоби туркчанинг бойлиғини очибғина билдира олмаса ҳам туркчада сўз кўблигини у яхши биладир. Навойи ёлғиз «йиғламоқ»нинг турларини кўрсатурган туркча сўзларнинг шунчасини ёзадир: *инграмак, синграмак, ингичкирмак, йиғламоқ, йиғламсинмоқ, ўкурмак, сиқтамоқ...* Мана сизга бир ҳодисанинг етти тури учун отким, ораларинда ингичка айирмалар бордир. Туркчада бу ҳол оз эмас. Арабча *нуфуз, мурур, убур*; у тўғрусинда *ўтмоқ, кечмоқ, ошмоқ, ортмоқ* бор. Арабча *канд, азм, амал* қаршусинда туркча *тилак, истов, ўрхан* бор. Арабча *зарф* ёнинда туркча *идиш* бор, *совут* бор. Арабча *нафъ, манфаат* ўрнинда туркча *тосих* бор, *унум* бор. Арабча *қалб* ўтрусинда туркча *юрак* билан *кўнгул* бор. Арабча *садр* учун туркча *кўкс* ва *кўкрак* бор. Туркча луғат ёзмоқчи бўлганимда туркча сўз бойлиги тўғрусинда бундан ортиқ ёзолмайман.

Сўзни туркчада ундирик кенглиги (яъни, вусъати иштиқоқ)ға кўчираман. «Илм» ишининг — билимнинг туркчасидан ундирилган<sup>6</sup> сўзлар шулардир: *бил, билар, билажак, билғуси, билғай, билса, билса-чи, билай, билди, билибдир, билган, била бошлади, билаёзди, била олди, била турди, била*

*берди, билиб, билғач, билғали, билмак, билиш, билув, билмов, билим, билги, билгили, билгучи, билмакчи, билгур, билма-рай, билмаган, билмай, билимсиз, билмас, билмаслик.*

Мана сизга ёлғиз феъллардан 13 феъл, кўшма феъллардан 6 феъл. Кўшма феъллардан ҳар бирининг буйруғи, бўлиши<sup>7</sup>, ҳоли<sup>8</sup>, келажаги<sup>9</sup>, шарти<sup>10</sup>, қўзғави<sup>11</sup> бор.  $13 \times 6 = 78$  бўлур. Бунларга уфт<sup>12</sup>, вақт<sup>13</sup> ва сабаб<sup>14</sup> феъллари қўшилса, 81 та бўлур. Бунга исм<sup>15</sup> ва сифат ёзилган<sup>16</sup> 18 қўшилганда 99 сўз бўлур. Бу 99 тасига-да сўз толуғи<sup>17</sup> буйруқдир (яъни, бил сўзи). Демак, туркчада бир томирдан 98 сўз ундириш эмаш.

Эмди юсуп тугаллигига (мукаммалияти қавойидға) боқайлик: араб, форс, рус, немис, франсуз тилларидан қай бирининг сарф<sup>18</sup> китобларини олиб қарасоқ кўрамиз-ким, бир сўзни ясамоқ учун бир қанча ёзилган, ундан сўнг шул қоидадан ташқари қолган (мустасно) сўзлар деб тўрт-беш сўз кўрсатилган<sup>19</sup>. Турк сўзларинда эса бундай ҳол топилмайдир. Юсупсизлик деган ҳоллар (истисноилик ҳоллари) туркча сарфда сира йўқдир. Тилимизнинг айна тўғрисида ҳам бойлиғи, тугаллиги билиндими?

Эмди сўзни туркчанинг бахтсизлиғина кўчираман. Турк тили шунча бойлиғи, шунча тугаллиги билан бахтсизликдан қутула олмашидир. Турк тили дунёнинг энг бахтсиз тилидир. Туркчанинг бахтсизлиғи араб босқини билан боғланмишдир. Араблар босдиқлари ўлкага ёлғуз ҳукуматларини эмас, динларини, йўсуларини-да танитган, олдирган эдилар. Мусулмонлиқларнинг туби, томири Куръон билан Ҳадисдир. Шунинг учун янги мусулмонлар арабча ўрганишни ўзларига вожиб деб билдилар, ўқидилар, ўргандилар, севдилар. Бундан кейин форси(й)ча ва туркча арабча бўғувига кириб қолдилар. Форс тилининг ҳоли бутунлай ёмонлашди. Форслар ўз тилларини ташладилар: китобларини эмас, ўзаро ёзувларини ҳам арабча ёза бошладилар. Лекин, бу иш кўб чўзилмади. Форс тили бир силкиниш билан ўзини араб бўғувидан қутқара олди. Форс тилининг бу силкиниши Эрон шоири Фирдавсийнинг чиқиши эди. Фирдавсий арабчиликқа қаршу қайнаган, қизиган бир миллатчи эди. Ўттиз йил тиришди, донғли «Шоҳнома» китобини ёзиб чиқарди. «Шоҳнома»ни ёзиб чиқарудан Фирдавсийнинг икита тилаги бор эди: Эрон улусини арабдан совутиб, эронли туйғусини бермак ва араб тилини Эрон-

дан суриб чиқармак. Шунинг учун «Шоҳнома»нинг ҳар бир еринда эронлини мақтаган шоир араблиққа келганда:

*Заҳир шутур хурдан суси мор,  
Арабро ба жойи расидаст кор.  
Ки тахти Каёнро кўнад орзу,  
Тфу, бар ту, Чарх гардун тфу!*

деб қийқирмишдир. Бу сўзларнинг туркчаси шудир: Туя сути билан илон эти емакдан бошқа иш билмаган арабнинг иши шу ерға чиқмишким, Эрон императорининг тахтини истайдир. О, шу ишга сабаб бўлган фалак, тфу сенга, тфу!

Яна шунинг учундирким, Эронда арабча ҳоким бўлган бир замонда<sup>20</sup> ёзилган «Шоҳнома»да арабча сўзлар йўқ даражада оздир. Фирдавсий бу ики тилакни билиб, онглаб, ишга киришганини билдирмакчи бўлиб, ёзадирким:

*Бас, ранж бурдам соли си,  
Ажам зинда кардам ба дини форсий*

демишдир. Туркчаси: «Бу ўттиз йил ичида кўп эмкайдим<sup>21</sup>, Эронни форси(й)ча ёздиғим шу китоб ила турғиздим» демакдир. Форси(й) ишди шундай қилиб ёқасини қутқармиш. Лекин, бизнинг бахтсиз туркчамиз бир Фирдавсийни етиштира олмамиш.

Дунёнинг энг бой тили бўлган туркчамиз ёлғуз арабча кумруқлар<sup>22</sup> билан эмас, форси(й)ча тепкилари билан дахи эзилмишдир. Кўзларимизни тўрт очиб қарайлиқ, дунёнинг энг буюк ҳакими бўлган Ибн Сино туркдир. Икинчи Арасту аталган Форобий туркдир. Араб тилини мангулик тирғизиб келган Жавҳарий<sup>23</sup> туркдир. «Ваҳдати вужуд»<sup>24</sup> фалсафасининг имомларидан бўлган Жалолиддин Румий туркдир. Форсий адабиётининг пайғамбарларидан бўлган Низомий дахи туркдир. Шу ерларда отлари ёзилган кимсалар-да ёлғуз турк улусини эмас, бутун дунёнинг улуғ кишилариндан эрурлар. Ики турк улуси<sup>25</sup> бунларнинг асарларидан осигланолмай қолмиш, балки ўзларини ҳам яхшиғина таниёлмай қолмишдир. Бунлар ўз битикларини туркча ёзсалар эди, букун турк улусининг ҳоли эҳтимолки, бошқа турли бўлур эди. Бахтсизлиқ бундан-да ортиқ бўлурмикин?! Турк ўғли турк бўлган Маҳмуд Фазнавий Фирдавсийни чақириб, турк эзилишини кўрсатган «Шоҳнома»ни ёздирсун-да, ҳар йўлига бир олтун берсун. Шул бахтсизлиқдирким, турк ўғли бўлган усмонли хоқонлари ўз туйғуларини форси(й)ча

шеър билан сўйлатмишдир<sup>26</sup>. Яна шул бахтсизлиқдирким: Кафказия туркларининг ёқаларин тутмиш-да форсий тилининг хурмати учун саксон еринда ҳаштот дедирмишдир.

Туркча бахтсиздир. Минг йилдан бери эзила келмишдир, лекин битмамишдир. Битмас, яшамишдир – яшар. Негаким бойдир. Туркча яшамишдир. Яшар, лекин ўзини араб, форс тиллариндан қутқара олурми, йўқми? Сўзни бу ерга етиргач, бармоғимни яранинг ўзагина босмиш бўлдим. Бу сўрдигимга ики турли жавоб келар, билгилидир: ҳа, йўқ. Эмди шу «йўқ» деганлар билан юришайлик. Бунлар дейларким, туркча араб, форс тиллариндан қутулолмас! Нечун? Мана далиллари: Чунки араб, форс тиллари бойдир. Буни жавобини бердикким, туркча ҳам бойдир. Чунки букунги турк дунёсининг билимли улугъ ёзувчилари шу йўлга кирмишдир. Бунга жавоб берамизким: турк дунёсининг улугъ ҳақимлари бўлган Форобий билан Абу Али ўз асарларини арабча ёзарға қўл қўйған эдилар. Сиз нечун уларнинг ичидан чиқдингиз? Сиз Абу Алининг изидан чиққанда, биз-да сизнинг изингиздан чиқа олсақ керак. Чунки тилимизда кўб нарсанинг оти йўқдир. Жавобимиз: бу сўздан тилагингиз нимадир? Шул чоқда тилингиздағи араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайдир, демакчи бўлсангиз сўзингиз янглишдир. Туркчани билмас экансиз. Ўрганинг. Ҳозирги сўзларимиздағи арабча, форси(й)чалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир, десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Унларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркчалаштирурмиз. Қоиданинг туркчаси йўқдур. *Сарф*нинг-да туркчасини тополмадик. Икисин дахи олурмиз. Лекин, сиз каби *қавойиди сарфия* демасдан *сарф қоидалари* дермиз. Чунки илмий истилоҳларнинг туркчаси йўқдир. Ким деди буни? Шамснинг туркчаси *қуёшдир*. *Кавокиб*нинг туркчаси *юлдузлардир*. *Манор*нинг туркчаси *олов*, *ўтдир*. *Саҳоби мунаввар* – *ёруғ булут*; *ҳандаса* – *ўлчов хат*, *чизик*, *зовия* – *бурчак*, *пучмоқдир*. *Кавокиби собита* – *турғучи юлдуздир*. *Кавокиби зу занб* – *қуйруқли юлдуздир*. Тузук, бир неча истилоҳларнинг туркчасини букунгача тополмаганмиз, уларни сақлармиз. Чунки, туркчамиз қабодир<sup>27</sup>, даққидир<sup>28</sup>, адабиёт тили эмасдир.

Сўз бу ерга келдими? Чидамоқ қўлдан келмас! Қаболик, даққилиқ кўрсатмакчи бўлиб деймизки: сиз улусингизни севмайсиз. Шунинг учун турк улуси ва турк тили-

нинг сиз билан иши йўқдур. Қаршингиздағи кишилар бу сўзни эшитиб ўтирмаслар, қиларини қиларлар. Мен улусимни жонимдан ортиқ севаман дерлар. Бунларнинг мана шу сўзлари қумучдир<sup>29</sup>. Тушингизда сиз бир хотунни севгансиз, тиришиб, жон чекишиб, куч билан уйиға кирибсиз, ёниға суқулгандан кейин юзиға қараб: «Мен сизни кўб севаман, сиз кўб чиройликсиз, лекин шу кўзингиз кўб даққидир, шуни чиқариб ташланг. Бурнинг ёмон ис берадир, шуни кесиб отинг», — десангиз севгилингиз бўлган хотун ики-уч таёқ уруб, сизни қувмасми? Албатта, қувар. Турк улусини севамиз, лекин тили қабодир, мусиқаси тотсиздир, тарихи қоронғудир деганларнинг ҳам бир-ики таёқ еб қувилмоқлари керақдир. Лекин турк тили бахтсиздир.

## ТИЛИМИЗ

### II

Тилимизнинг бойлиғи тўғрисида «Иштирокиюн»нинг билмам қайси сонидан<sup>1</sup> бир мақола ёзган эдим. Бунда тилимизнинг бойлиғи, тугаллиғи, кенглиғи тўғрисидағи тонук<sup>2</sup>ларимни кўрсаткандан кейин тилимизға кириб қолган арабча, форси(й)ча сўзлар ва истилоҳ(лар)ни чиқармоқ тейишликни сўйлаган эдим. Бу тушунчаға қаршу бўлган кишилар ҳам, албатта, бордирлар. Бироқ бунларнинг қаршулиқлари ўзиға ғазаб-ла сингдирган тушунчаларининг бизға қаршулуғини шу ерда ёзиб қайтармоқдан бурун ўз тушунчаларимизни очик қилиб қаторлаб ёзайин:

а) мен турк тилининг асир тушгани ва бўйла тутқун ҳолини ўрганганимдан ...<sup>3</sup> туркчанинг бойлиғи, кенглиғи, тўлуғлиғи учундир;

б) мен турк улусиға ўз бошли (мустақил) бир тил ва шу тилда ёзилган «илм» истайман. Туркчанинг бойлиғи, кенглиғи ва тўлғунлиғини билганим учун бу ишни қулай деб ишонаман;

ж) тилимизнинг ўз бойлиғи (мустақил) бўлиб туруши учун гапларға ва ёзувларимиз аро кириб қолган ёғ сўзларнинг ўзбекчаларини илкимиздан келганча охтариб топиб ишлай(л)ик. Тилимиздағи ёзилган «билим»ни кўрмак учун «илмий истилоҳлар» дедигимиз «билим сўзлари»нинг ҳам илкимиздан келганча туркчаларини топиб олмоқ йўлинда тиришмакни ҳар бир турк ёзувчиси учун «вожиб» деб биламан;